

## Тележурналистикада Интервью Ва Сухбат Жанрига Хос Дастурларнинг Умумий Ва Лингвистик Қонуниятлар

Шоҳсанам Муҳаммаджонова<sup>1</sup>

**Аннотация:** Мақола миллий тележурналистикада жанрлар аралашуви, рекреатив дастурларнинг тили ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида. Унда бундай дастурларда интервью ва сухбат жанрининг қўлланилиши билан боғлиқ қонуниятларни режа асосида таҳлил қилинган. Назарий ёндашувлар иқтибослар орқали ёритиб берилган. Қолаверса, муаллифнинг мавзу доирасидаги илмий билим-кўникмалари акс эттирилган. Назария ва амалиётнинг қай даражада мутаносиблиги юзасидан мулоҳазалар айтилган.

Шунингдек, унда теледастурларнинг томошабинбоп бўлишига хизмат қилувчи факторлар ҳақида таклифлар келтирилган. Муаллиф фикрлари мисоллар билан исботланган.

Глобаллашган дунёда ахборот алмашуви тобора ривожланиб бормоқда. Шу боис, кўп давраларда оммавий ахборот воситалари атамасини оммавий коммуникация (яъни алоқа ўрнатиш) воситалари тарзида ўзгартириш борасида таклифлар келтириляпти. Бугун ўзаро ахборот алмашишнинг янгидан янги, масалан, интернет ёзишмалари, блиц сўровлар каби турлари оммаланиб бормоқда. Аммо синалган усуллардан интервью ва сухбат бу борада ҳаммиша етакчи вазифани бажаради. Айниқса, телевизион журналистикада ҳар икки жанрнинг ўзига хос аҳамияти бор.

Аввало, интервью ва сухбатни бир-биридан ажратиш олиш лозим. Гарчи улар бир-бирига ўхшаб кетсада, маълум қонуниятлар асосида фарқланади ҳам. Тажрибали журналист Ҳалим Саидов фикрига кўра, интервьюда конкрет мавзуга бағишланган ва фақат бир соҳа доирасидаги саволлар тақдим этилади. Сухбатда эса нисбатан эркин, мавзудан биров четга чиқиб шахсий саволлар билан ҳам мурожаат қилиш мумкин. “Репортёрлик маҳорати” китобида бунга мисол тариқасида ўзбек тилида гапира оладиган немис хоним билан бўлиб ўтган сухбат келтирилган. Унда аёлнинг касбий муваффақиятларидан ташқари оиласига таалуқли саволлар ҳам берилган.<sup>2</sup>

Баъзи журналистлар фикрича, сухбатда ҳар икки томон журналист ва меҳмон иштирок этиши, фикр алмашиши мумкин. Интервьюда эса журналист фақат савол берувчи вазифасини ўташи керак. Шундай бўлсада, ҳар икки жанрда журналист мавзу доирасида билимларга эга бўлиши, тасвирга олиш ишларидан олдинроқ пухта тайёргарлик кўриши талаб этилади. Миллий телевидениемизда интервью ва сухбат жанрига эҳтиёж катта. Айниқса, ахборий-рекреатив йўналишдаги дастурларда улардан унумли фойдаланилади. Келинг аввал интервьюнинг аҳамиятига тўхталиб ўтсак.

**Интервью** сўзи икки хил маънода ишлатилади: услуб ва жанр. Муаллиф у орқали маълумот олиш билан муайян жанрдаги асар яратиш мақсадини мўлжалламаслиги мумкин. Тележурналистлар тилида интервью “синхрон” деб ҳам юритилади. Бу атаманинг пайдо бўлиши дастлабки овозли фильмлар даврида овоз ва тасвирни уйғунлаштирилиши билан боғлиқ. Интервью бир неча гуруҳларга ажратилади:

“Ахлоқий норма ва амалий усуллар тўлалигича интервью турига боғлиқдир. Умрида бирон марта интервью бермаган киши билан тажрибали сиёсатчидан интервью олишда бир хил ёндашиб бўлмайди. *Қарашлар интервьюси, кўзи билан кўрганлар интервьюси, конфронтация интервьюси, матбуот конференцияси ва фактик интервьюлар* бир-биридан фарқ қилади”<sup>3</sup>.

Яна бир бошқа манбада интервью жанри қуйидагича таснифланади:

“Интервью-монолог – биргина саволга мутахассиснинг жавоби. У худди хикоя тарзида ёзилади.

Интервью-диалог – энг кенг тарқалган шакл: савол-жавоб-савол-жавоб.

Интервью-хабар. Бунда журналист жавобларга ўзи ҳам кўмаклашади.

Матбуот конференцияси. Маълум бир ташкилот вакиллари кўплаб журналистлар саволларига жавоб беради.

Давра сухбати. Бир мавзу юзасидан турли касб эгаларининг фикрлари, мулоҳазалари “думалоқ стол” усулида ўртага ташланади.

Фикр Интервьюси. Унда асосан фактлардан кўп фойдаланилади

<sup>1</sup> ЎзЖОКУ магистранти

<sup>2</sup> Х.Саидов. Репортёрлик маҳорати. – Т.: Фафу Фулом, 2008, 74, 90-бет

<sup>3</sup> Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қонидаси. – Т.: Шарқ, 2002, 77-бет

“Тўғри чизик”. Интервью фақат бир мавзу доирасида бўлиб ўтади. Тўғри чизикдан четга чиқилмайди.

Интервью-анкета. Қисқа савол орқали мавзу юзасидан кўплаб инсонларнинг фикри сўралади.

Ва ҳаказо...»<sup>4</sup>

Аслида юқоридаги классификациялар нисбий. Ҳар бир тадқиқотчи ўз мулоҳазаларидан келиб чиқиб жанрни қатор турларга ажратади. Аммо юқоридаги гуруҳлардан қарашлар (ёки интервью - диалог) ва фактик интервьюни тележурналистикада энг кўп тарқалган дея оламиз. Хусусан, “Ассалом, Ўзбекистон!”, “Тошкент вақти”, “Рангли телевизор” каби рекреатив руҳдаги дастурларда мавзу юзасидан бериладиган маълумотларнинг мутахассис тилидан айтилиши аудиторияда ишонч уйғотади. Чунки, журналист маълум бир соҳага ихтисослаши мумкин, аммо, барибир, у профессионал иқтисодчи, диетолог, юрист бўла олмайди. Шу сабаб, муаллиф берилган маълумотларга изох бериши, уларни шарҳлаши афзалроқ. Интервью тилига келсак, албатта, имкон қадар адабий тил меъёрларига амал қилиш ўринли. Аммо, адабий тилда гапираман дея, ўзини мажбурлаш ортиқча чиранишлар сохталikka олиб келиши мумкин. Бироқ миллий тележурналистикада муаллиф интервьюнинг (интервью берувчи шахсинг) нутқи соф ўзбек тилида бўлишини назорат қилиши лозим. Ўзга ёки аралаш икки тилда гапирадиган мутахассисларда эса таржимадан фойдаланган маъқул. Агар мутахассис ўз касбининг билимдони бўлса, унга биргина саволнинг ўзи етарли. Аммо баъзан ҳаяжон сабаб нутқда тўхтамлар ёки паразит (анака, ҳммм, -де, уфф каби) унсурлар бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда муаллиф монтаж жараёнида уларни “тозалашга” кўзи етмаса, яхшиси, мутахассисни гапиритириши, кетма-кет саволлар орқали ахборот ола билиши зарур.

**Сухбат** рекреатив кўрсатувларда интервьюга қараганда кўпроқ қўлланилади. Ток-шоу жанрида эса сухбат дастур сценарийсининг негизини ташкил этади. Шу боис, бундай дастурларга бошловчи сифатида студияга таклиф этилган сухбатдошнинг дунёқарашини, билим даражасини билан тенглаша оладиган шахс танланиши жоиз. Хусусан, “Ассалом, Ўзбекистон!” дастурининг шанба кунги сони бошловчиси Шухрат Қажомов таклиф этилган меҳмонларга ана шундай муносиб сухбатдош бўла олади.

Бошловчининг сухбат давомида берадиган саволларини иккига ажратиш мумкин: олдиндан тайёрланган ва вазиятдан, сухбатдош нутқидан келиб чиқиб спонтан тарзда бериладиган саволлар. Афсуски, бугунги кунда кўп журналистлар иккинчи турдаги саволларни беришда талай хатоликларга йўл қўйишади. Масалан, “Маҳалла” телеканали “Оила мундарижаси” дастурининг сўнгги сонидаги камчиликларни бирма-бир санаб ўтиш мумкин. Ток-шоу “Оила қуриш мотивлари” мавзусида бўлиб ўтди. Бошловчи ўз нутқида мотив сўзини 7 дақиқа ичида 6 марта ишлатди. Бундан ташқари, меҳмон сифатида студияга таклиф этилган коллеж ўқувчисига мантқиқсиз савол билан мурожаат қилди: “Ота-онангизнинг сизни турмушга беришдан мотивлари, яъни мақсадлари нима?” Аввало, мотив сўзи мақсад эмас, туртки, сабаб маъносида ишлатилади. Қолаверса, саволда ҳеч қандай мазмун йўқ.<sup>5</sup>

Бир неча йиллар давомида “Бахт формуласи” кўрсатувининг муаллиф ва бошловчиси сифатида фаолият юритган Муҳаббат Ҳамроева ҳам шу каби камчиликлардан холи эмас. Тўғри, у тажрибали журналист, ўз касбининг моҳир устаси. Интерактивликни йўлга қўя билади. Аммо баъзан саволга жавоб бераётган сухбатдошнинг нутқини бўлиб, тез-тез луқма ташлаши, уни гапиришга қўймаслиги аудиториянинг ғашига тегади. Гарчи бу билан у меҳмонни адашмасликка, тўғри йўналишга солишга ҳаракат қилсада, меъёрни бузиши фикрларнинг ҳам бўлиниб қолишига олиб келади. Аммо унинг сухбат давомида ҳамиша самимий муносабатда бўлишини эътироф этиш жоиз. Демак, сухбатда “сен билганни мен ҳам биламан” қабилда иш тутиш, уни баҳсга айлантириб юбормаслик муҳимдир. Самимий ва осон тушуниладиган тилда гапириш, кучли тўхтамларсиз, шева сўзларни қўлламай сухбат қила билиш ҳам журналист маҳоратидан дарак беради.

Интерактивликка асосланган рекреатив йўналишдаги теледастурларда бошловчининг роли катта экан, у ўзи қандай бўлиши керак, деган ҳақли савол туғилади. Филология фанлари номзоди А.Каримовнинг фикрига кўра, “бошловчи тезкор, нозик ва нафис реакцияси, сўз бойлиги, маҳорати билан ажралиб туриши лозим. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда уларнинг кўпчилиги артистлардан танланади”<sup>6</sup>. Миллий телевидениеда ҳам актёр (ёки актриса) бошловчилардан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Масалан, “Ойдин ҳаёт”, “Ўзингни англа” ток-шоулари фикримиз исботи. Аммо негадир, айни мана шу икки дастурда бошловчи фақат эфир юзини таъминлаш билан чегараланиб қолади. Интерактивликка деярли амал қилинмайди. Таклиф этилган аудитория бор-йўғи студияни тўлдиришга хизмат қилади холос. Тўғри, баъзан мавзу юзасидан томошабин фикри билдирилади. Бироқ бу томошабин кўпинча халқ таниган санъат арбоби бўлади. Аслида, кўпинча саломатликка алоқадор муаммолар ёритиладиган бу каби ток-шоуларда аҳоли мутахассисга ўзини қийнаётган саволлар билан мурожаат қилиши, шахсий мулоҳазалари билан ўртоқлашиши яхши натижа беради. “Ўзингни англа”да бу каби саволлар асосан

<sup>4</sup> Мамадова Я.М. Искусство репортера. ( тексты лекций). – Т.,2011. – 52-53 бет

<sup>5</sup> “Маҳалла” телерадиоканали, “Оила мундарижаси”.2015. 18-апрель

<sup>6</sup> Каримов А.А. “Телевидениенинг рекреатив вазифаси (ток-шоулар асосида)” мавзусидаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ЎЗМУ. – 2012, 133-бет.

бошловчи томонидан тақдим этилади. Дастур бошловчи ва мутахассиснинг савол-жавобидангина иборат бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, интервьюда ҳам, суҳбатда ҳам журналист маълум қонуниятларга амал қилишни ёддан кўтармаслиги лозим. Айниқса, суҳбатда лингвистик хатоликлар қилишдан чекланиш керак. Бироқ аудиторияни, меҳмонларни “бошқариш”ни-да уддалаш аҳамиятлидир. Бу каби хусусиятларга эса йиллар тажрибаси, изланишлар натижаси ва шахсий қузатувлар асосида эришиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қоидаси. – Т.: Шарқ, 2002.
2. А.Пардаев, Ф.Рўзиев, Х.Маҳмадалиев. Журналистикада тил ва ифода. Тошкент.: “Истиқлол”, 2006 й.
3. Х.Саидов. Репортёрлик маҳорати. – Т.: Гафу Фулом, 2008.
4. Маматова Я.М. Искусство репортера. ( тексты лекций). – Т.,2011
5. ЎзМТРК архиви ва видеотекаси материаллари.